

БЕДАНАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА МАХСУЛДОРЛИГИДА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ РОЛИ (АДАБИЁТ ШАРХИ ВА УЛАРГА ИЗОХ)

Одилова Н.А

Самарканд давлат университети магистранти

Ражабов.А

проф

Аннотасия: Беданачилик паррандачилиқнинг тез ривожланаётган ва катта фойда берувчи соҳасидир. Бедана маҳсулдорлиги унинг озуқасининг сифати ва миқдорига боғлиқ. Бу соҳада микроэлементларнинг аҳамияти катта. Ҳозирги пайтда микроэлементларнинг саноат асосида ишлаб чиқарилган органик турини мақтовчи мақолалар кўп. Биз адабиётларни чуқурроқ таҳлил қилганимизда кўпгина авторлар анъанавий, арзон аорганик микроэлементларнинг органик микроэлементлардан, самарадорлик борасида, қолишмаслигини таъкидлашган. Ҳали саноат асосида тайёрланган ва анча қиммат турувчи хос омукта ем этишмайдиган жойларда арзон ва ҳар ким томонидан топилиши мумкин бўлган аорганик микроэлементларни бедана озуқасига қўшишни тавсия қиламиз.

Аннотация: Перепеловодство является одним из быстро развивающейся и прибыльной частью птицеводства. Продуктивность перепела зависит от качества и количества его корма. Здесь большую роль играют микроэлементы.

В настоящее время в птицеводстве очень много статей рекламного характера восхваляющих органические микроэлементы. Последние, как мы знаем, вырабатывается в заводах по особой технологии. При дальнейшем изучение литературы посвященной роли микроэлементов в кормлении птицы, в частности перепелов, убедились в наличии многих авторов применяющих традиционные неорганических микроэлементов. Пока промышленно производство, специальные органические микроэлементы не везде и не всем доступны. Поэтому в перепеловодстве мы рекомендуем применять традиционные и всем доступные неорганические микроэлементы.

Abstract: Quail farming is a lucrative venture that has gained popularity. Productivity of quails depends on feeding ration quality and quantity. In this field microelements has a big positive effect.

In present time in poultry most research devoted to the organic microelements. As we know they must produced in feedstaff factories. Our further investigation of literature about microelements in poultry, in particular quail farming show that many researchers use traditional inorganic microelements. They conclude that organic microelements not have significant advantages then inorganic one.

While organic minerals not accessible and affordable for everyone. Therefore, in quail farming we recommend traditional inorganic microelements.

Беданачилик кизикарли ва фойда берувчи ишдир. Мутахасисларнинг фикрича "бедана бозори" 20% гагина ўзлаштирилган. Бедана тухуми ва гуштига халкнинг талаби катта эканлигини ҳисобга олиб беданачиликнинг катта келажаги борлигини айтишимиз мумкин (2).

Беданаларнинг маҳсулдорлиги озукасининг сифати ва миқдорига боғлиқдир. Япон беданаларига ўсиш пайтида 23% ва тухум куйиш пайтида 21% хом оксилли, витаминлар керакли минераллар билан бойитилган озука берилиши керак (11).

Минераллар макро ва микроминералларга булинади: макроминераллар макроэлементлар, куп миқдорда керак булиб, кислота асос элементларининг бир қисми ҳисобланади. Буларга калций, фосфор, калий, магний, олтингугурт ва туз (NaCl) киради.

Микроэлементлар энзимларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Буларга кобалт, мис, йод, темир, магний, селен ва рухлар киради, минераллар бедана вазнининг 3 дан 5% гача қисмини ташкил этади. Минераллар жисмда синтезланмаслиги учун ҳам озик моддалар билан берилиши шарт. Изланишимиз мавзуси микроэлементлар бўлганлиги учун уларнинг аҳамиятлари тўғрисида қисқача тухталамиз.

Марганецнинг вазифаси перозис (perosis), хондродисплазия касаллигининг олдини олишдир. Бунда Ахилл пайи тортилиб бедана оёғи орқага ёки ёнга букилиб қолади. Бу минерал яна нормал ўсиш, тухум ишлаб чиқариш ва тухум очиб чиқиши учун зарурдир. Уни марганец сульфат кўринишида озуқага қўшиб берилади.

Темир, мис ва кобалт гемоглабин пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Бу минераллар етишмовчилигида алиментар анемия юзага келади. Мис супероксиддисмутаза, билирубин оксидаза ва лизис оксидаза ферментларини активлаштиради, ҳамда антимикробагент бўлиб хизмат қилади. Бедана озуқасига темир 90-120 мг/кг, мис 5 мг/кг гача қўшилиши керак. Кобалт В12 витаминининг бир қисми ва у гемоглабин шаклланишида қатнашади. Озуқанинг ҳар килограмига 1200 мг кобалт сульфат қўшилиши керак. Селен Е витамини билан биргаликда бедананинг ўсишида муҳим рол ўйнайди. Селен ва Е витамини етишмовчилиги тухум қўйишга таъсир қилмайди, лекин жўжа очишда палағдаси кўпаяди. Озуқада рухнинг етишмовчилигига беданалар ўта сезгир. Рух етишмовчилигида бедана жўжаси секин ўсади, патлари ривожланмайди, тўғри юриш ва нафас бузилади. Буларни бартараф этиш учун озуқага 25 мг/кг рух қўйиш керак. Ҳозирги пайтда микроэлементлар аорганик, органик ва нанозарралар кўринишида қўлланилмоқда. Паррандачиликда қўлланилаётган аорганик

микроэлементларнинг манбалари бўлиб натрий, селен, рух сулфат, мис сулфат, кобальт карбонат, калий йодид ва бошқа тузлар ҳисобланади.

Микроэлементларнинг органик шаклига протеинатлар, аминокислота комплекслари, хелатлар киради. Биз адабиётларни ўрганиш жараёнида органик микроэлементларга бағишланган кўплаб ишларга дуч келдик (1;4; 5; 6;7;9;10;13;15;17;18). Маълумки протеинат, аминокислота комплекси ва хелатларни ишлаб чиқариш озуқа тайёрлаш заводлари ва замонавий лабораторияларни талаб этади. Энди бу бизнеснинг маҳсулотлари кенг рекламага муҳтожлигини ҳисобга олсак масала анча ойдинлашади. Шунинг билан биргаликда кўплаб китоблар ва илмий мақолаларда анъанавий анорганик микроэлементларнинг парранда маҳсулдорлигидаги самарадорлиги органик микроэлементларники билан бир хиллиги таъкидланган. Омухта емни рух сулфат билан бойитганимизда уларнинг тухуми кўпайди; тухумнинг очиб чиқиш ва бошқа сифатлари яхшиланади (10).

Парранда омухта емини микроэлементлар билан бойитиш учун одатда ҳар хил кимёвий элементлар тузлари ишлатилади. Масалан марганец - сулфат ва карбонат кўринишида; рух - сулфат ва карбонат кўринишларида ва х.к. Микроэлементларнинг энг яхши ўзлаштирилиши уларнинг сулфат ва хлорид тузларида кузатилган (3;8).

Pekele A.Y and Alp M. (2011) анорганик мис (мис сулфат) ва органик мис (мис протеинат) ларнинг қиёсий самарадорлигини ўрганишди. Товуқлар тухумининг оғирлиги, сифати, тухум сариғи холестероли ва плазма холестероллари бўйича олинган натижалар бир хил чиқди. Улар органик микроэлементлар анорганик микроэлементларга нисбаттан ҳеч қандай устунликка эга эмас деб ёзишган.

Attia Y.A. et all(2013) анорганик (ZnO) ва органик (Bioplex R) рух микроэлементларининг ўрдаклар озуқасидаги қиёсий самарадорлигини ўрганишда рухнинг болдир суяги, жигар ва тезакдаги концентрацияси бир хил натижа кўрсатди.

Shaon A.G. et all.,(2020), мис ва рух сулфатларининг бройлер жўжаларига таъсирини ўрганишиб бу анорганик микроэлементларнинг самарадорлиги ва арзонлигини таъкидлашди.

Khatun A.et all.,(2019), органик микроэлементлар ва анорганик микроэлементларнинг бройлер жўжалари ўсишига таъсирининг бир хил эканлигини хулоса қилишди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки ҳозирги пайтда органик микроэлементларнинг рекламаси кучли бўлиб, уларнинг анъанавий анорганик микроэлементларидан устунлиги йўқдир. Анорганик микроэлементлар парранда, хусусан бедана боқувчи ҳар киши топиши мумкин бўлган арзон қўшимча озуқадир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аверина Е.В. Источники микроэлементов в производстве премиксов. Корма. 2011. N:2. стр. 1-6.
2. Задорожная Л.А. Перепеловодство. Донецк, Сталкер, 2005. 93(3) с.
3. Кочиш И.И., Петраш М.Г., Смирнов С.Б. Птицеводство. М., Колос С,2004. -407с.
4. Лазарева Н.Ю. Нормирование микроэлементов в рационах бройлеров. Корма. 2011. N2. стр.9-11.
5. Лемешева М.М., Юрченко В.В. Использование различных форм микроэлементов в кормлении птицы. Научно техничный бюлетень. 2016. Т4, N1, стр. 121-124.
6. Мударисов Т.М. Как эффективно использовать премиксы? Корма. 2011.N2. стр. 7-8.
7. Рязанцева К.В., Нечитайло К.С., Сизова Е.А. Нормирование минерального питания цыплят бройлеров (обзор). Животноводство и кормопроизводство. 2021.Т.104. N1, стр. 119-137.
8. Фисинин В.И., Егоров И.А., Драганов И.Ф. Кормление сельскохозяйственной птицы: учебник-М.:ГЭОТАР-Медиа, 2011-344с.
9. Шацких Е.В., Рогозинникова И.В. Органический источник меди в кормлении бройлеров. Аграрный вестник Урала. 2010.N9. (75) стр. 106-109.
10. Юрченко В.В., Якість яець та продуктивність курей при введенні в комбікорм соняшникової олії або фузи в поєднанні з цинком. Інститут тваринництва УААН.- X, 2001-18с.
11. Akanbi O.M. and Kabir M. Nutrient requirements and management of Japanese Quails (Coturnix Japonica). Agricultural Review. 2019.
12. Attia Y.A., Abd Al-Hamid A.E., Zeweil H.S., Qota E.M., Bovera E., Monastra G. and Sahledom M.D. Effect of dietary amounts of inorganic and organic mineral concentration zinc on productive and physiological traits of white Pekin ducks. Animal 7. 895-900.
13. İbrahim J.A., Al-Gendi G.M., Nihad A.A., Okasha H.M. and El-Attrouny M.M. J. of Animal and Poultry Production, Mansoura Univ. 2022. Vol 13(8): 111-118.
14. Khatun A., Chowdhury S.D, Roy B.Ch., Dey B., Hague B. and Chandron B. Comparative effects of inorganic and three forms of organic trace minerals on growth performance, carcass traits, immunity and profitability of broilers. Journal of advanced veterinary and Animal Research. 2019. Mar;6(1) 66-73.
15. Nurhan S., Kucuk O., Orhan C., Savasli E., Çakmak J., Sahin K., Feeding zinc biofortified wheat improves performance, nutrient digestivity and concentrations of blood and tissue minerals in Quails. Biological trace element research (2022).

16. Pekel A.Y. and Alp M. Effects of different dietary sources of laying hen performance and egg yolk cholesterol. The Journal of applied poultry Research. 2011. 20-506-513.
17. Sizova E.A., Belyatskaya Yu.N. and Miroshnikov S.A. Comparative study of efficiency and safety of using of different zinc and copper sources in broiler chicken feeding for poultry meat production. JOP conference series: Earth and Environmental Science.2021.624.012044.
18. Stanacev V.S., Milocevic N., Stanacev V.Z., Puvaca N., Milic D. and Pavlovski Z. Chelating forms of microelements in poultry nutrition. Worlds Poultry Science Journal. March.2014.
19. Shaon T.W., Amin N, Sabuz S.H. and Begum D. Comparative effects of copper sulfat and zinc sulfat on performances of broiler chickens. Agriculture, Livestock and Fishieries. Vol.7. N3., December 2020: 465-474.